



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 29 - noyabr

166-6-0-F/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон Фармони ижросига мувофиқ, вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасининг 2021 йил 19 октябрдаги 01-03/357-сонли мурожаат хатини инобатга олиб,

1. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга ошириш мақсадида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш фахрийлари учун саёхатга мўлжалланган автобус сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар учун “Косонсой” уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийсига 2021 йил вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан 25,0 (йигирма беш) миллион сўм маблағ ажратилсин.

2. “Косонсой” уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийси (Х.Юсуфжанов)га:

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда тегишли хужжатларни вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси ва вилоят бўйича ғазначилик бошқармасига тақдим этиш;

тўловларни амалга оширишда амалдаги қонунчилик меъёрларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш;

маблағлардан фойдаланиш якуни билан тегишли ҳисоботларни вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов)га ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда бюджет харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, вилоят бўйича

ғазначилик бошқармаси (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси (Ф.Солохитдинов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ғ.Муродхужаев зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov